Шунинг учун, бундай махсус системаларни ечишнинг махсус усуллари ишлаб чи=илган. Бу усулларнинг энг соддаси, дастурлашга =улайи, хатолар йи\илмасини щосил =илмайдигани “щайдаш” усули щисобланади.

+уйида “Хайдаш ” усулининг =ис=ача мощияти билан танишиб чи=амиз.

Махсус, диагоналли системаларни ечишга мылжалланган “Хайдаш” усули икки бос=ичдан иборат:

- номаълум коэффицентларни ани=лаш (ты\ри бос=ичи)
- системанинг ечимларини ани=лаш (тескари) бос=ичи.

1-бос=ичда (13) системанинг номаълум ечимини =уйидаги кырinишда =идирамиз:

$$y_i = \alpha_{i+1} y_{i+1} + \beta_{i+1} \qquad (14)$$

бу ерда α_{i+1} ва β_{i+1} номаълум щайдаш коэффицентлари.

Номаълум $\alpha_{i+1}, \beta_{i+1}$ коэффицентларни топиш учун (14) тенгликни $x = x_i$ ва $x = x_{i-1}$ ну=талардаги кырinишини (13) формуладаги иккинчи тенгламага кетма-кет =ыйиб,

$$A_i y_{i+1} - B_i(\alpha_{i+1} y_{i+1} + \beta_{i+1}) + C_i(\alpha_i(\alpha_{i+1} y_{y+1} + \beta_{i+1}) + \beta_i) = D_i$$

ёки

$$(A_i - B_i\alpha_{i+1} + C_i\alpha_i\alpha_{i+1})y_{i+1} + (-B_i\beta_{i+1} + C_i\alpha_i\beta_{i+1} + C_i\beta_i - D_i) = 0$$

ни щосил =иламиз.

Бу чизи=ли ифода айнан 0 га тенг былиши учун, барча коэффицентлар 0 былиши кераклигини щисобга олиб, =уйидаги тенгламаларни щосил =иламиз:

$$A_i - B_i\alpha_{i+1} + C_i\alpha_i\alpha_{i+1} = 0$$
$$-B_i\beta_{i+1} + C_i\alpha_i\beta_{i+1} + C_i\beta_i - D_i = 0$$

Щосил =илинган тенгликлардан $\alpha_{i+1}, \beta_{i+1}$ номаълум коэффицентларни топиш унчалик =ийин эмас.

$$\alpha_{i+1} = \frac{A_i}{B_i - C_i\alpha_i}; \qquad \beta_{i+1} = \frac{c_i\beta_i - D_i}{B_i - C_i\alpha_i}; \qquad i = \overline{1, n-1} \qquad (15)$$

Мазкур реккурент формуладаги барча α_{i+1} ва β_{i+1} ларни ани=лаш учун ёки бош=ача айтганда реккурент формулани “юриши” учун даствлабки α_1 ва β_1 =ийматларни топишимиз керак. Бу =ийматларни топишимиз учун $x = a$ ну=тадаги чегаравий шартдан щосил =илинган (13) формуладаги биринчи тенгламадан фойдаланмиз.

$A_0 y_0 + B_0 y_1 = C_0$ тенгламани щар иккала томонини A_0 га былиб, y_0 ни топамиз:

$$y_0 = -\frac{B_0}{A_0} y_1 + \frac{C_0}{A_0};$$

Келтириб чи=арилган формулани (14) формуланинг $i = 0$ даги =ийматида щосил =илинган $y_0 = \alpha_1, y_1 + \beta_1$ билан солиштириш натижасида

$\alpha_1 = -\frac{B_0}{A_0}$; $\beta_1 = \frac{C_0}{A_0}$ эканлиги келиб чи=ади.

Эслатиб ытамиз, A_0, B_0, C_0 ларнинг =иймати олдинро= ани=ланган эди.

α_1, β_1 лар маълум былгач, барча кейинги α_i, β_i лар (15) реккурент формуладан топилади. Бу жараён "щайдаш" усулининг ты\ри бос=ичини ташкил этади.

2-бос=ичда α_i, β_i номаълум коэффицентларнинг барча =ийматлари топилгач (14) реккурент формула ёрдамида =идирилаётган ечим y_i ларни топиш мумкин, бу ерда щам реккурент формуланинг ишлаши учун дастлабки =иймат сифатида y_n ни ани=лаш лозим. Бу ишни бажариш учун $x = b$ ну=тадаги чегаравий шартдан щосил =илинган (13) системанинг учинчи тенгламаси

$$A_n y_n + B_n y_{n-1} = C_n$$

ва (14) формуланинг $i = n-1$ ну=тадаги кыринишидан $y_{n-1} = \alpha_n y_n + \beta_n$ фойдаланамиз, яъни уларни система деб =араб, бу системадан y_n ни ани=лаймиз.

$$y_n = \frac{C_n - B_n \beta_n}{A_n + B_n \alpha_n}$$

+идирилаётган y_n щисоблангач, $y_i = \alpha_{i+1} \cdot y_{i+1} + \beta_{i+1}$ реккурент формуласи ёрдамида ($i = \overline{n-1, 0}$) барча =олган ечимлар топилади.

Бу жараён i га нисбатан тескари тартибда былгани учун, уни щайдашнинг тескари бос=ичи деб атаймиз.

мс *Нима учун «щайдаш» усули деб номланади?*

Демак, олдимизга =ыйилган масалани, яъни берилган масалани ызгарувчан коэффицентли, иккинчи тартибли, оддий дифференциал тенгламани чекли айирмали формулалар ёрдамида сонли-та=рибий усулда ечиш учун ишчи алгоритм щосил =илдик.

мм *Чекли айирмалар усулида щосил =илинган тенгламалар системасини нима учун айнан «щайдаш усули»да ечиш ма=садга мувофи= дейилади. Тушунтириб беринг.*

Назорат саволлари

1. Иккинчи тартибли, оддий дифференциал тенгламаларга таъриф беринг?
2. Иккинчи тартибли, оддий дифференциал тенгламалар учун =андай =ышимча шартлар =ыйилади?
3. Чегаравий масалаларнинг ечиш усулларини кандай гурухларга былиш мумкин?
4. Аналитик усулларга =андай усуллар киради?
5. Сонли-та=рибий усулларга =андай усуллар киради?
6. Сонли-та=рибий усулларнинг ызига хос хусусиятларини айтинг?
7. Чекли-айирмалар усулининг асосий мощияти нимадан иборат?

13-маъруза: Чегаравий масалаларни ечишнинг Галёркин усули.

Ы=ув модули бирликлари:

1. Ызаро ортогонал функцияларни танлаш;
2. Тафовут функцияси;
3. Галёркин усулининг мощияти.

Ани=лаштирилган ы=ув ма=садлари.

Талабалар ушбу мавзуни тыла ызлаштирганларидан сынг:

1. Та=рибий аналитик усулларнинг ызига хос щусусиятлари;
2. Галёркин усулининг асосий мощияти;
3. Ызаро ортогонал функцияларни танлаш;
4. Тафовут функцияни минималлаштириш шарти.

ща=ида маълумотга эга быладилар.

Ю=орида таъкидлаб ытганимиздек. Галёркин усули та=рибий-аналитик усуллар гурущига киради. Мазкур усуллар гурущи таркибига кирувчи барча усулларда берилган дифференциал тенгламанинг ечими та=рибий ани=ланган формулалар ёрдамида топилади ва албатта, ечим щам аналитик кыринишда ифодаланади. Айни=са, кыпгина физика ва механика масалаларининг ечимини аналитик кыринишда =идириш лозимлиги, та=рибий аналитик усулларни ырганишга катта эщтиёж ту\дирады.

Деярли барча та=рибий-аналитик усулларнинг алгоритмлари бир-бирига ыхшаш былгани учун =уйида Галёркин усулини ырганиш билан чекланамиз.

Бизга яна аввалги мавзудаги каби, =уйидаги чегаравий масала берилган былсин, яъни:

$$y''(x)+p(x)\cdot y'(x)+q(x)\cdot y(x)=f(x) \qquad (1)$$

тенглама ва

$$\begin{cases} m_0 y(a)+m_1 y'(a)=m_2 \\ g_0 y(b)+g_1 y'(b)=g_2 \end{cases} \qquad (2)$$

чегаравий шартни =аноатлантирувчи ечимни топиш керак.

Олий математика курсидан маълумки, ихтиёрий узлуксиз функцияни чексиз =атор кыринишида ифодалаш мумкин.

$$y(x)=u_0(x)+\sum_{i=1}^{\infty} c_i u_i(x)$$

Галёркин усулида ушбу =атордаги "*n*" та чекли щад билан чегараланиб, чегаравий масаланинг ечимини =уйидаги кыринишда =идириш таклиф этилади.

$$y(x)=u_0(x)+\sum_{i=1}^{n} c_i u_i(x) \qquad (3)$$

Бу ерда шуни эслатиб ытиш лозимки, усулнинг йыл =ыйилган ягона ва асосий хатолиги чексиз щадли =аторни чекли щадли =аторга алмаштиришдан иборатдир. +атордаги щадлар сонини =анча кып олсак, шунчалик олинган натижалар ишончли ва ани= ечимга я=ин былади. Лекин, иккинчи томондан, =атордан кыпро= щад олишга интилиш =ылда бажариладиган амаллар сонини кескин орттириб юборади. Бу эса йыл =ыйилиши мумкин былган хатолик эщтимолини кескин орттиради. Шунинг учун амалдаги щисоб ишларида $n \le 10$ шартидан келиб чи=илади.

Энди эътиборимизни яна ечимни =идиришга =аратсак, формуладаги $c_1, c_2, ... c_n$ -лар =ийматлари номаълум былган ызгармаслар щисобланади.

$u_0(x), u_1(x), ..., u_n(x)$ лар эса щисоб ишларини бажарувчи томонидан танлаб олинадиган [*a, b*] кесмада икки марта узлуксиз дифференцалланувчи, чизи=ли бо\ли= былмаган функциялар щисобланади, яъни улар базис системасини ташкил =илиб, ызаро ортогоналлик шартини =аноатланириши керак. Функцияларни ортогоналлик шарти =уйидагича ани=ланади.

$$\int_a^b u_n(x) \cdot u_m(x) \cdot dx = \begin{cases} o & агар__ n \neq m \\ \lambda & агар__ n = m \end{cases}$$ былса

бу ерда λ -ортогоналлик коэффициенти.

Базис функцияларни танлашда =уйидаги шартларни щисобга олсак, (3) формула билан ани=ланувчи масаланинг ечими $c_1, c_2, ..., c_n$ ызгармасларнинг ихтиёрий танланган щадида щам чегаравий масаланинг (2) чегаравий шартларини =аноатлантиради.

Базис функцияларни танлаш =уйидагича амалга оширилади.

Аввал =уйидаги операторларни муомалага киритайлик:

$$L[y(x)] \equiv y''(x) + p(x)y'(x) + q(x)y(x),$$
$$L_a[y(x)] = m_0 y(x) + m_1 y'(x)$$
$$L_b[y(x)] = g_0 y(x) + g_1 y'(x)$$

1) $u_0(x)$ функция - берилган чегаравий шартни =аноатлантирувчи функция былиши лозим, яъни:

$$\begin{cases} m_0 u_0(a) + m_1 u_0'(a) = m_2 \\ g_0 u_0(b) + g_1 u_0'(b) = g_2 \end{cases}$$

ёки бош=ача =илиб айтганда $\begin{matrix} L_a[u_0(a)] = m_2 \\ L_b[u_0(b)] = g_2 \end{matrix}$.

2) $u_1(x), u_2(x), ..., u_n(x)$ функциялари эса берилган чегаравий шартнинг 1-жинсли щолатини =аноатлантирувчи функциялар былиши лозим, яъни:

$$\begin{cases} m_0 u_i(a) + m_1 u_i'(a) = 0 \\ g_0 u_i(b) + g_1 u_i'(b) = 0 \end{cases}, \qquad i = \overline{1,n} \qquad \text{ёки} \quad \begin{matrix} L_a[u_i(a)] = 0 \\ L_b[u_i(b)] = 0 \end{matrix}$$

Базис функцияларни танлаш йылларини =уйидаги мисолда кыриб чи=айлик:

Берилган чегаравий масаланинг чегаравий шартлари =уйидагича берилган былсин:

$$\begin{cases} y(0)=1 \\ y(1)=0 \end{cases}$$

$u_0(x)$ ни шундай танлаймизки, $u_0(0)=1,\quad u_0(1)=0$, яъни берилган чегаравий шартни =аноатлантириши керак.

$u_0(x)=1-x$

Худди шунга ыхшаш, бош=а базис функциялар $u_k(x)$ лар эса бир жинсли чегаравий шартларни =аноатлантириш ва чизи=ли бо\ли=сиз былиши керак.

$$\begin{cases} u_1(0)=0 \\ u_1(1)=0 \end{cases} \Rightarrow \quad u_1(x)=x(1-x)$$

$$\begin{cases} u_2(0)=0 \\ u_2(1)=0 \end{cases} \Rightarrow \quad u_2(x)=x^2(1-x)$$

мт *Чегаравий шартлар y(0)=1 ва y'(π/2)=-1 былган щол учун базис функцияларни муста=ил танланг.*

Ю=орида соддалик учун $n=2$ деб щисобланди. Биз $u_0(x),u_1(x),u_2(x)$ базис функцияларни танлашни ыргандик, энди чегаравий масаланинг ечими фа=ат c_1 ва c_2 номаълум коэффицентларга бо\ли= былиб =олди. c_1 ва c_2 ызгармасларни эса Галёркин таклиф этган усул билан ани=лашни ташкил =иламиз. Бунинг учун, дастлаб (3) тенгламани (1) дифференциал тенгламага =ыйиб, =уйидаги тафовут функциясини щосил =иламиз:

$$R(x,c_1,c_2)=L[u_0(x)]+\sum_{k=1}^{n}c_k\cdot L[u_k(x)]-f(x) \quad (4)$$

Бу функция чегаравий масала ечимининг ани= ечимдан фар=ини характерловчи ми=дор былиб, у c_1, c_2 ызгармасларга чизи=ли бо\ли=дир.
Агар тавофут функцияси айнан 0 га тенг былса, та=рибий ечим масаланинг ечими билан устма-уст тушади, лекин тафовутни щамма ва=т щам 0 га айлантириб былавермайди. c_1 ва c_2 номаълум коэффицентларни тафовут функцияни *min* га эриш-тириш шартидан ани=лаймиз, яъни $min\{R(x,c_1,c_2)\}$.
Тафовут функцияни минималлаштириш шарти Галёркин усулида =уйидагича ифодаланади.

$$\begin{cases} \int_a^b R(x,c_1,c_2)\cdot u_1(x)\cdot dx = 0 \\ \int_a^b R(x,c_1,c_2)\cdot u_2(x)\cdot dx = 0 \end{cases} \qquad (5)$$

Яъни тафовут функцияни $u_i(x)$, $(i=\overline{1,n})$ базис функцияларга ортогоналлик шартидан фойдаланамиз.

(4) формуладаги *R* –тафовут функциясини (5) системага =ыямиз.

$$\begin{cases} \int_a^b (L[u_0]+c_1\cdot L[u_1]+c_2\cdot L[u_2]-f(x))\cdot u_1(x)\cdot dx = 0 \\ \int_a^b (L[u_0]+c_1\cdot L[u_1]+c_2\cdot L[u_2]-f(x))\cdot u_2(x)\cdot dx = 0 \end{cases}$$

ёки

$$\begin{cases} \int_a^b L[u_0]\cdot u_1(x)\cdot dx + c_1\cdot\int_a^b L[u_1]\cdot u_1(x)\cdot dx + c_2\cdot\int_a^b L[u_2]\cdot u_1(x)\cdot dx - \\ -\int_a^b f(x)\cdot u_1(x)\cdot dx = 0 \\ \int_a^b L[u_0]\cdot u_2(x)\cdot dx + c_1\cdot\int_a^b L[u_1]\cdot u_2(x)\cdot dx + c_2\cdot\int_a^b L[u_2]\cdot u_2(x)\cdot dx - \\ -\int_a^b f(x)\cdot u_2(x)\cdot dx = 0 \end{cases} \qquad (6)$$

(6) система учун =уйидагича белгилашлар киритсак

$$m_{11}=\int_a^b L[u_1]\cdot u_1(x)\cdot dx; \qquad m_{12}=\int_a^b L[u_2]\cdot u_1(x)\cdot dx;$$

$$m_{21}=\int_a^b L[u_1]\cdot u_2(x)\cdot dx; \qquad m_{22}=\int_a^b L[u_2]\cdot u_2(x)\cdot dx;$$

$$b_1=\int_a^b (f(x)-L[u_0])\cdot u_1(x)\cdot dx$$

$$b_2=\int_a^b (f(x)-L[u_0])\cdot u_2(x)\cdot dx$$

Натижада:

$$\begin{cases} m_{11}c_1+m_{12}c_2=b_1 \\ m_{21}c_1+m_{22}c_2=b_2 \end{cases} \qquad (7)$$

c_1 ва c_2 номаълумларга нисбатан чизи=ли алгебраик тенгламалар системаси щосил былади. Системанинг коэффицентларини эса (m_{ij}) интегралларни щисоблаш ёрдамида топилади. c_1, c_2 номаълумларни ЧАТСни ечишнинг бирор усули ёрдамида (одатда Гаусс усулидан фойдаланилади) топамиз. c_1, c_2ларни топгач, $y_n(x)$ та=рибий аналитик ечимни

$$y(x) = u_0(x) + c_1 \cdot u_1(x) + c_2 \cdot u_2(x)$$

кыринишида ёза оламиз.

n=3 былган щол учун тафовут функциясини ва унга мос тенгламалар системасини щосил =илинг.

Ю=орида кыриб, ырганиб чи=илган назарий амалларни =уйидаги чегаравий масала устида бажаришни ташкил =илайлик,

Чегаравий масаланинг дифференциал тенгламаси =уйидагича кыринишда берилган былсин:

$$y'' - 2y' + x^3 \cdot y = 12x^2 - 8x^3 + x^7$$

Дифференциал тенгламанинг ечимига =ыйилган чегаравий шартларга эса $\begin{matrix} y(0) = 0 \\ y(1) = 1 \end{matrix}$.

Ю=орида таъкидлаганимиздек, Галёркин усули билан ишлашдан олдин берилган масаланинг чегаравий шартларни =аноатлантирадиган базис функцияларни танлаб олишимиз лозим:

1) $u_0(x)$ ни берилган чегаравий шарт, яъни $u_0(0) = 0$ ва $u_0(1) = 1$ шартни =аноатлантирадиган =илиб, =уйидагича танлаб оламиз: $u_0(x) = x$.

2) $u_1(x)$ ва $u_2(x)$ ларни эса берилган чегаравий шартга мос бир жинсли шартларни, яъни $u_1(0) = 0,\ u_1(1) = 0$ ва $u_2(0) = 0,\ u_2(1) = 0$ шартни =аноатлантирадиган ва ызаро чизи=ли бо\ли=сиз =илиб, =уйидагича танлаб оламиз:

$$u_1(x) = x(x-1) = x^2 - x;$$
$$u_2(x) = x^2(x-1) = x^3 - x^2.$$

Ишчи формулаларда фойдаланиладиган =уйидаги операторларни щисоблашни ташкил =илайлик.

$$L[u_1] \equiv 2 - 2(2x-1) + x^3(x^2 - x) = 2 - 4x + 2 + x^5 - x^4 =$$
$$= x^5 - x^4 - 4x + 4$$

$$L[u_2] \equiv 6x - 2 - 2(3x^2 - 2x) + x^3(x^3 - x^2) =$$
$$= 6x - 2 - 6x^2 + 4x + x^6 - x^5 = x^6 - x^5 - 6x^2 + 10x - 2;$$
$$L[u_0] \equiv x'' - 2x' + x^3 x = 0 - 2 + x^4 = x^2 - 2$$

Энди =уйидаги тенгламалар системасининг коэффицентлари ва озод щадларини щисоблашни ташкил этайлик.

$$\begin{cases} m_{11}c_1 + m_{12}c_2 = b_1 \\ m_{21}c_1 + m_{22}c_2 = b_2 \end{cases} \qquad (7')$$

$$m_{11} = \int_0^1 L[u_1] \cdot u_1(x)dx = \int_0^1 (x^5 - x^4 - 4x + 4) \cdot (x^2 - x)dx;$$
$$m_{12} = \int_0^1 L[u_2] \cdot u_1(x)dx = \int_0^1 (x^6 - x^5 - 6x^2 + 10x - 2) \cdot (x^2 - x)dx;$$

$$m_{21} = \int_0^1 L[u_1] \cdot u_2(x) \cdot dx = \int_0^1 (x^5 - x^4 - 4x + 4) \cdot (x^3 - x^2) \cdot dx;$$

$$m_{22} = \int_0^1 (x^6 - x^5 - 6x^2 + 10x - 2) \cdot (x^3 - x^2) \cdot dx; b_1 = \int_0^1 (12x^2 - 8x^3 + x^7 - x^2 + 2) \cdot (x^2 - x)dx;$$
$$b_2 = \int_0^1 (12x^2 - 8x^3 + x^7 - x^2 + 2) \cdot (x^3 - x^2)dx;$$

Барча коэффицентлар маълум былгач, (7′) чизикли алгебраик тенгламалар системасини c_1 ва c_2 номаълумларга нисбатан ечишни Гаусс усули билан ташкил =иламиз. Щосил =илинган натижаларни, яъни c_1 ва c_2 ларнинг =ийматларини $y = u_0(x) + c_1 \cdot u_1(x) + c_2 \cdot u_2(x)$ формулага =ыйиб, берилган чегаравий масаланинг та=рибий-аналитик ечимини щосил =иламиз.

мс *Галёркин усулида ечим аналитик кыринишда =идирилади, у щолда ечимнинг хатолиги =аердан келиб чи=ади?*

Назорат саволлари

1. Та=рибий-аналитик усулларга =андай усуллар киради?
2. Та=рибий-аналитик усулларнинг ызига хос хусусиятларини айтинг?

3. Галёркин усулининг асосий мощияти нимадан иборат
4. Галёркин усулидаги хатолик манбаи нимадан иборат?
5. Галёркин усулининг ишчи алгоритми?
6. Галёркин усулида хатоликни камайтириш имкониятлари борми?
7. Галёркин усулида ортогонал функциялар =андай танланади?

14-маъруза: Хусусий щосилали дифференциал тенгламалар ва уларнинг типлари.

Ы=ув модули бирликлари:

1. Хусусий хосилали дифференциал тенгламалар;
2. Хусусий хосилали дифференциал тенгламаларни ечиш усуллари

Ани=лаштирилган ы=ув ма=садлари.

Талабалар ушбу мавзуни тыла ызлаштирганларидан сынг:

1. Хусусий хосилали дифференциал тенгламага келтирилувчи амалий жараёнлар;
2. Хусусий хосилали дифференциал тенгламанинг умумий кыриниши;
3. Хусуий хосилали дифференциал тенгламани типларга ажратиш;
4. Хусусий хосилали дифференциал тенгламаларни ечишнинг ани= ва та=рибий усуллари

ща=ида маълумотга эга быладилар.

Олий математика курсидан маълумки, агар дифференциал тенгламадаги номаълум функция икки ва ундан орти= аргументларга бо\ли= былса, бундай дифференциал тенгламаларни хусусий щосилали дифференциал тенгламалар деб аталади. Демак, бундай тенгламаларда функциянинг эркли аргументи быйича хусусий щосилалари =атнашади. Амалда хусусий щосилали дифференциал тенгламалар жуда кып физик жараёнларни тащлил =илишда ишлатилади.

Масалан: Турар жой бинолари ва корхоналар =уришда, кып =аватли биноларнинг исси=лик режимини са=лаш ма=садида ечиладиган \овак

тыси=ларнинг исси=лик ытказувчанлик масаласи (бунда жисм сиртига ытказиладиган исси=лик таъсири ва=т быйича жуда тез ызгариши ва жисм щар хил материаллар аралашмасидан иборат былиши мумкин), ингичка торлар, щар хил материаллардан ишланган таё=лар ва бош=а хилдаги конструкцияларнинг кындаланг ва быйлама тебранишлари жараёнлари, нефть ва газ конларидаги ишлаб чи=аришни ташкиллаштириш ва бош=аришни автоматлаштириш ма=садида =аралаётган =атлам параметрларини ани=лик кырсаткичини янада яхшилаш, =увурлардаги =овуш=о= сую=ликларнинг ностационар щаракати жараёнлари. Бу жараёнларнинг барчаси учун яратилган математик моделлар – хусусий щосилали дифференциал тенгламалар ор=али ифодаланади. Демак, бундай тенгламаларни ечиш алгоритмларини билиш, уларни ечишни ташкил этувчи амалий дастур таъминотларини яратиш масаласи давримизнинг \оят мущим масалаларидан бири щисобланади.

Оддий дифференциал тенгламалар каби хусусий щосилали дифференциал тенгламалар щам чексиз кып ечимларга эга. Улар умумий ечимлар дейилиб, хусусий ечимлар умумий ечимлардан маълум шартлар асосида ажратилади. Бу =ышимча шартлар тенглама =аралаётган сощанинг одатда чегарасида берилади. Агар =ышимча шартлар соща чегарасида берилса, бундай масалага чегаравий масала дейилади. Агар чегаравий шартлар берилмасдан фа=ат бошлан\ич шарт берилса, бундай масалага хусусий щосилали дифференциал тенглама учун Коши масаласи дейилади. Бунда масала чексиз сощада =аралади. Масалада щам бошлан\ич, щам чегаравий шартлар =атнашса, бундай масалага аралаш масала дейилади.

Хусусий щосилали дифференциал тенгламаларни умумий щолда =уйидагича ёзиш мумкин(=улайлик учун фа=ат хусусий щолни, яъни иккинчи тартибли щосилаларга нисбатан чизи=ли тенгламаларнигина =араймиз):

$$au_{xx} + 2bu_{xy} + cu_{yy} + du_x + eu_y + fu = g \qquad (1)$$

Бунда x, y-эркли ызгарувчилар, $u(x, y)$-=идирилаётган функция, индексдаги x, y лар u функциянинг x ва y быйича щосилаларини англатади. a, b, c, d, e, f, g-коэффицентлар умуман x, y ва u га бо\ли= функциялар былиши мумкин. Агар улар ызгармас сонлардан иборат былса, ызгармас коэффицентли, x ва

y га бо\ли= функциялар былса ызгарувчи коэффицентли ва нищоят, x, y ва u га бо\ли= функциялар былса, квазичизи=ли дейилади.

(1) тенгламанинг типи $D = b^2 - ac$ дискриминантнинг ишораси билан ани=ланади. Агар $D > 0$ былса, тенглама гиперболик типга, $D = 0$ былса, тенглама параболик типга, $D < 0$ былса, тенглама эллиптик типга тегишли былади. Тенгламанинг типини ани=лаш жуда мущим ащамиятга эга, чунки бир хил типдаги щар хил тенгламалар жуда кып умумий хусусиятларга эга былади. Масалан: бир жинсли ингичка стержен x абцисса быйича щар бир t ва=т моментида =уйидаги исси=лик тар=алувчанлик тенгламасини =аноатлантиради. Энди бу

$$\frac{\partial u}{\partial t} - a^2 \frac{\partial^2 z}{\partial x^2} = F(x,t)$$

тенгламанинг =айси типга тегишли эканини ани=лаш мумкин. $A = -a^2, B = 0, C = 0$ былгани учун $D = b^2 - ac = 0$, демак бундай тенгламалар параболик типга тегишли былади.

Хусусий щосилали дифференциал тенгламаларни ечиш усуллари худди оддий дифференциал тенгламалардаги каби, бир неча гурущга былинади:

1. Ани= усуллар;
2. Та=рибий-аналитик усуллар;
3. Сонли-та=рибий усуллар;

Ани= усуллар билан асосан чизи=ли, хусусий щосилали тенгламалар содда кырынишдаги чегаравий ва бошлан\ич шартлар билан берилганда яхши натижалар олиш мумкин. Бу гурущга ызгарувчиларни ажратиш тар=алувчи тыл=инлар, манба функциялари, Лаплас алмаштиришлари ва бош=а усуллар киради. Та=рибий- аналитик усуллар билан умумий кырынишдаги тенгламаларни ечиш имконияти деярли йы=, фа=ат айрим хусусий щоллардагина бирор бир натижа чи=иши мумкин.

мс *Нима учун хусусий хосилали дифференциал тенгламаларни типларга ажратамиз?*

Назорат саволлари

1. +андай тенгламалар математик-физика тенгламалари деб аталади?

2. Математик-физика тенгламаларини та=рибий щисоблаш зарурияти =аердан келиб чи=ади?
3. Математик-физика тенгламаларини =андай типларга ажратилади?

15-маъруза: Гиперболик типдаги тенгламалар

Ы=ув модули бирликлари:

1. Гиперболик типдаги тенгламалар
2. Гиперболик типдаги тенгламаларни ечишнинг тыр усули
3. Ошкор ва ошкормас схемалар

Ани=лаштирилган ы=ув ма=садлари.

Талабалар ушбу мавзуни тыла ызлаштирганларидан сынг:

1. Гиперболик типдаги тенгламалар билан ифодаланадиган амалий жараёнлар;
2. +ышимча шартларнинг =андай берилиши;
3. Тыр соща тушунчаси, ички ва тугун ну=талар;
4. Ошкор ва ошкормас схемаларга мос шаблонлар;
5. Гиперболик типдаги тенгламаларни ошкор схемалар ёрдамида ечиш алгоритми;
6. Гиперболик типдаги тенгламаларни ошкормас схемалар ёрдамида ечиш алгоритми

ща=ида маълумотга эга быладилар.

Ю=орида таъкидлаб ытканимиздек, амалда учрайдиган барча жараёнлар ызларининг хусусиятларини ифодаловчи математик моделларга эгадирлар. Масаланинг мощиятига =араб, бу моделларни ифодаловчи математик тенгламалар турли кырынишда, жумладан, мураккаб жараёнларнинг математик моделлари математик-физика тенгламалари ор=али ифодаланади.

Агар тебранувчан характердаги жараёнлар, ани=ро= =илиб айтадиган былсак, турли хил ингичка торлар, щар хил матреиаллардан ишланган таё=лар ва бош=а хилдаги конструкцияларнинг кындаланг ва быйлама тебранишлари жараёнлари ырганилаётган былса, бундай масалаларнинг математик моделлари гиперболик типдаги тенгламаларга келтирилади.

Тебранишлар эса сыниб борувчи ёки аксинча былиши мумкин. Хусусий щолда гиперболик типдаги тенгламаларни =уйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} = a^2 \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + f(x,t) \qquad (2)$$

Бунда $u(x,t)$-изланувчи функция, t-ва=т, x-чизи=ли координата, a^2-ызгармас коэффициент. (2)-кыринишдаги тенгламалар учун одатда иккита бошлан\ич ва иккита чегаравий шарт берилади. +аралаётган сощa $[a,b]$ кесмадан иборат былса, $u(x,t)$ функция =уйидаги бошлан\ич шартларни:

$$u(x,0) = f_1(x) \qquad \frac{\partial u(x,0)}{\partial t} = f_2(x)$$

ва =уйидагича чегаравий шартларни:

$$u(a,t) = \varphi_1(t) \qquad u(b,t) = \varphi_2(t)$$

=аноатлантириши керак.

Умуман барча тип тенгламалар учун чегаравий шартлар =уйидаги кыринишларда былиши мумкин:

1) Дирихле масаласи: $u(x,y)|_\Gamma = \gamma^{(0)}$

2) Нейман масаласи: $\frac{\partial u(x,y)}{\partial \vec{n}}\Big|_\Gamma = \gamma^{(1)}$

3) Аралаш масала: $\alpha u(x,y) + \beta \frac{\partial u(x,y)}{\partial \vec{n}}\Big|_\Gamma = \gamma^{(2)}$

Бу ерда $u(x,y)$-изланаётган функция;

$\gamma^{(0)}, \gamma^{(1)}, \gamma^{(2)}$-=ийматлари маълум функциялар;

Γ-ечим =идирилаётган сощa чегараси;

$\vec{n}$-сощага ытказилган нормал бирлик вектор;

α, β-чегаравий шарт белгилари.

(2) кыринишдаги хусусий щосилали дифференциал тенгламаларни ечиш учун сонли усуллар ичида энг кенг тар=алган усул чекли айирмалар усулидан фойдаланамиз. Тенгламада =атнашувчи функция иккита аргументга бо\ли= былгани учун, унинг ани=ланиш сощаси текисликда былади. Бу сощани G-деб, унинг чегарасини эса Γ-деб белгилайлик. Чекли айирмалар усулида дастлаб G-сощa чизи=лар ёрдамида былакларга былинади. Былиниш ну=талари тугун, улардан ташкил топган тыпламга эса тыр деб аталади.

G -сощанинг ичида ётган ну=талар тугун ну=талар, Γ-чегарада ётган ну=таларга чегаравий ну=талар деймиз.



Тыр сощани =уйидагича ташкил этамиз: $[a,b]$ кесмани $x_i = a + ih\,(i = 0,1,2,...,n)$ тугун ну=талар ёрдамида t-быйича эса $[0,T]$ орали=ни $t_j = j \cdot \tau$ былакларга быламиз ва текис тыр щосил =иламиз.

Бу ерда $h = \frac{b-a}{n}$, $\tau = \frac{T}{m}$га тенг. Демак, бу ерда hва $\tau - x$ ва t быйича =адамлардан иборат.

G сощада ётган (x_i, t_i) тугун ну=талар учун (2) тенгламани =уйидаги кырынишда ёзиб оламиз.

$$\frac{\partial^2 u(x_i,t_i)}{\partial t_j^2} = a^2 \frac{\partial^2 u(x_i,t_j)}{\partial x_i^2} + f(x_i,t_j)\,(2' \quad)$$

Тыр сощада тыр функцияси деб аталувчи функцияларни =араймиз. Улар Gсощада ани=ланган функциялар ырнида =аралувчи дискрет функциялардан иборат былади, яъни оддий дифференциал тенгламалардаги каби хусусий щосилали чекли айирмалар билан алмаштирилади. Щосилаларни алмаштиришда чекли айирмалардан ишлатилувчи тугун ну=талар мажмуасига шаблон дейилади. Бир хил щосилалар учун бир неча хил шаблон асосида чекли айирмалар тузиш мумкин. Шундай =илиб, дифференциал тенглама берилган бошлан\ич ва чегаравий шартларда чекли айирмали масалага келтирлади.

Биз щосил =илган тыр сощадаги щар бир тугун ну=таларда $u(x,t)$ ечимнинг =ийматлари $u(x_i,t_j)$дан иборат былади. (2′) тенгламани аппроксимация =илиш учун (x_{i-1},t_j); (x_i,t_j), (x_{i+1},t_j); (x_i,t_{j+1}) ну=талардан ташкил топган шаблонни ишлатамиз. Бу шаблонда (2′) тенгламадаги хусусий щосилаларни =уйидаги схемалар ёрдамида чекли айирмалар билан алмаштирамиз.

1)



2)



1-схемадан кыриниб турибдики, $j+1$ =атламдаги ечим j =атламдаги ечимлар ор=али ани=, ошкор шаклда ифодаланади. Шунинг учун бундай схемаларга ошкор схемалар дейилади. Ошкор схемаларда олдинги =атламдаги хатоликлар йи\индиси кейинги =атламга ытганлиги учун, бир неча =атламдан сынг хатоликлар мажмуаси щосил былади ва кутилган натижа чи=маслиги мумкин. Шунинг учун амалда ошкор схемалардан камро= фойдаланган маъ=ул.

Хусусий щосилали дифференциал тенгламаларни ечишда ошкор схемали алмаштиришлар бажариш хатоликлар йи\индисини щосил =илади, у щолда нима учун ошкор схемалардан фойдаланилади?

2-схемада эса щар бир =атламнинг учта ну=тадаги номаълум ечимлари, ызидан олдинги яъни щар бир кейинги =атламдаги ечимларни олдинги =атламдаги 1 та ечим ор=али ифодаланади, яъни щар бир кейинги =атламдаги ечимларни одинги =атламдаги ечимлар ор=али бевосита бирданига ошкор щолда ифодалаб былмайди. Бундай схемаларга ошкормас схемалар дейилади. Ошкормас схемада щар бир =атламдаги щисоблаш хатоликлари бош=а =атламга узатилмайди. Шунинг учун, бундай схемаларда щосил былган щисоблаш формулалари бирмунча мураккаб былса щам, лекин хатолик кам былади. Демак, амалда ошкормас схемалардан фойдаланган маъ=улро=. (2′) тенгламадаги $\frac{\partial^2 u(x_i,t_j)}{\partial t_j^2}$; $\frac{\partial^2 u(x_i,t_j)}{\partial x_i^2}$ ифодалар ырнига (=уйидаги барча алмаштиришлардан =улайлик учун $u_{i,j}$ каби ёзувлар ырнида u_i^j ёзувлардан фойдаланамиз)

$\frac{\partial^2 u(x_i,t_j)}{\partial t_j^2} \approx \frac{u_i^{j+1}-2u_i^j+u_i^{j-1}}{\tau^2}$ ва $\frac{\partial^2 u(x_i,t_j)}{\partial x_i^2} \approx \frac{u_{i+1}^j-2u_i^j+2u_{i-1}^j}{h^2}$ чекли айирмали формулаларни =ыйиб, (2′) тенгламаларга мос =уйидаги чекли-айирмали тенгламаларни щосил =иламиз.

$$\frac{u_i^{j+1}-2u_i^j+u_i^{j-1}}{\tau^2} = a^2\,\frac{u_{i+1}^j-2u_i^j+2u_{i-1}^j}{h^2} + f(x_i,t_j) \qquad (3)$$

(3) тенгламани u_i^{j+1} га нисбатан ечиб,

$$u_i^{j+1} = 2u_i^{j-1} + \frac{\tau^2 a^2}{h^2}(u_{i+1}^j - 2u_i^j + u_{i-1}^j) \quad (4)$$

ишчи формулани щосил =иламиз. Бу ерда $j=\overline{1,m-1}$, $i=\overline{1,n-1}$.

Щосил былган (4) формула ошкор схема асосида щосил =илинган былиб, берилган хусусий щосилали дифференциал тенгламанинг та=рибий ечимини щисоблайди. Ю=орида таъкидланганидек, ошкор схемаларда щосил =илинган та=рибий ечим муайян хатоликлар мажмуасини ызида са=лайди. Йыл =ыйилиши мумкин былган хатоликни бирмунча камайтириш ма=садида, ошкормас схемали алмаштиришлар ёрдамида берилган хусусий щосилали дифференциал тенгламани =андай ечиш мумкинлигини кыриб чи=амиз. Бунинг учун (x_i, t_j) тугун ну=талар учун

$\frac{\partial^2 u(x_i,t_j)}{\partial x_i^2} \approx \frac{u_{i+1}^{j+1} - 2u_i^{j+1} + u_{i-1}^{j+1}}{h^2}$ чекли-айирмали формулани (2′) формулага =ыядиган былсак,

$$\frac{u_{i0}^{j+1} - 2u_i^j + u_i^{j-1}}{\tau^2} = a^2 \frac{u_{i+1}^{j+1} - 2u_i^{j+1} + u_{i-1}^{j+1}}{h^2} + f(x_i, t_j) \quad (5)$$

формула щосил былади.

(5) формула учун керакли алмаштиришларни бажариб,

$$\frac{\tau^2}{h^2} a^2 u_{i+1}^{j+1} - (2\frac{a^2\tau^2}{h^2} - 1)u_i^{j+1} + \frac{a^2\tau^2}{h^2} u_{i-1}^{j+1} = -f_{ij}\tau^2 - 2u_i^j + u_i^{j-1} \qquad (6)$$

ва =уйидаги белгилашларни киритиб,

$A_i = \frac{\tau^2}{h^2} a^2, B_i = \frac{2\tau^2 a^2}{h^2} - 1, C_i = \frac{a^2\tau^2}{h^2}$ ва $F_i = -f_{ij}\tau^2 - 2u_i^j + u_i^{j-1}$;

(бу ерда -щар бир j ну=та учун $(j = 1,2,3,...,m-1)$) =уйидаги уч диогоналли тенгламалар системасини щосил =иламиз:

$$A_i \cdot u_{i+1}^{j+1} - B_i \cdot u_i^{j+1} + C_i \cdot u_{i-1}^{j+1} = f_i \qquad (7) \qquad (i = 1,2,...,n-1)$$

Щосил былган тенгламалар системаси j нинг щар бир =ийматида $n-1$ та тенглама ва $n+1$ та номаълумлардан иборат. Етишмаётган 2 та тенгламани чегаравий шартлардан оламиз. Натижада $n+1$ та номаълумли $n+1$ та тенгламадан иборат уч диагоналли тенгламалар системаси щосил былади. “Иккинчи тартибли дифференциал тенгламаларни щайдаш усули билан ечиш” мавзусида таъкидлаб ытилганидек, ю=оридаги кыринишдаги тенгламалар системасини щайдаш усули билан ечиш учун номаълум ечимни $u_i^{j+1} = \alpha_{i+1} u_{i+1}^{j+1} + \beta_{i+1}$ (8) кыринишда =идирамиз. Бунда $\alpha_{i+1} = \frac{A_i}{B_i} - C_i \cdot \alpha_i$;

$\beta_{i+1} = \frac{A_i - \beta_i - F_i}{B_i - C_i \cdot \alpha_i}$ формулалар ёрдамида топилади. $(i = 1,2,...,n-1)$.

Берилган чегаравий шартлардан биринчисини, яъни $x = a$ ну=тадаги $u(a,t) = \varphi_1(t)$ шартни ва (8) формулани та==ослаб, $\alpha_1 = 0, \beta_1 = \varphi_1(t)$ номаълум

коэффицентларнинг бошлан\ич =ийматлари щосил =илинади. Натижада, α_{i+1}, β_{i+1} коэффицентлар барчаси кетма-кет щисобланади.

Иккинчи чегаравий шартдан, яъни $u(b,t)=\varphi_2(t)$ дан $u_n^j=\varphi_2(t)$ тенгликни щосил =иламиз. Сынгра,

$$u_i=\alpha_{i+1}\cdot u_{i+1}^j+\beta_{i+1} \quad (9) \qquad (i=n-1,...,0)$$

формула ёрдамида =олган барча тенгламанинг =идирилаётган ечимлари, номаълум u_i^j лар щисобланади.

Назорат саволлари

1. Ошкор ва ошкормас схемаларнинг асосий мощияти нимадан иборат?
2. +андай жараёнлар гиперболик типдаги тенгламалар ор=али ифодаланади?
3. Гиперболик типдаги тенгламаларнинг умумий кыриниши =андай?
4. Гиперболик типдаги тенгламалар учун =андай =ышимча шартлар берилади?
5. Гиперболик типдаги тенгламаларни ошкор схемали алмаштиришлар ёрдамида ечиш учун керак быладиган ишчи формулалар щосил =илинг.
6. Гиперболик типдаги тенгламаларни ошкормас схемали алмаштиришлар ёрдамида ечиш учун керак быладиган ишчи формулалар щосил =илинг.

16-маъруза: Параболик типдаги тенгламалар.

Ы=ув модули бирликлари:

1. Параболик типдаги тенгламалар
2. Параболик типдаги тенгламаларни ечишнинг тыр усули
3. Ошкор ва ошкормас схемалар

Ани=лаштирилган ы=ув ма=садлари.

Талабалар ушбу мавзуни тыла ызлаштирганларидан сынг:

1. Параболик типдаги тенгламалар билан ифодаланадиган амалий жараёнлар;
2. Параболик типдаги тенгламаларни ечишнинг тыр усули, усулнинг мощияти;
3. Ошкор ва ошкормас схемаларнинг ишчи алгоритми

ща=ида маълумотга эга быладилар.

Агар текширилаётган жараёнда ва=т быйича щаракат ызгармас былса, бундай жараёнларнинг математик модели параболик типдаги тенгламалар ор=али ифодаланади. Бундай жараёнларга =увурлардаги =овуш=о= сую=ликларнинг ностационар щаракати жараёнлари, \овак тыси=ларнинг исси=лик ытказувчанлик масалалари, диффузия жараёнли ва бош=алар киради.

Параболик типдаги тенгламаларни хусусий щолда =уйидагича ёзиш мумкин.

$$\frac{\partial u}{\partial t} = a^2 \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + f(x,t) \qquad (1)$$

бу ерда $u(x,t)-$изланаётган функция, $f(x,t)-$масаланинг физик мощиятидан келиб чи=иб танланувчи манба функция, a^2-ызгармас коэффициент.

Демак, ю=оридаги барча жараёнларда ва=т быйича щаракат тезлиги ызгармас былиб, тезланиш 0 га тенг. (1) тенгламани

$$u(x,0) = \varphi(x) \quad (2)$$

бошлан\ич шартларни ва $[a,b]$ орали=нинг четларида

$$u(a,t) = \varphi_1(t) \text{ ва } u(b,t) = \varphi_2(t) \qquad (3)$$

чегаравий шартларни =аноатлантирувчи ечимини топиш керак. Берилган чегаравий шартлар, биз ю=орида келтирган чегаравий шарт турларига кыра, Дирихле масаласига мос келади. Худди гиперболик типдаги каби, параболик типдаги тенгламаларни щам тыр усулида ечиш мумкин. Бунинг учун, дастлаб, x ва t ы=лар быйича тыр киритамиз.

$$x_i = a + i \cdot h; \qquad h = \frac{b-a}{n};$$

$$t_j = j \cdot \tau; \qquad \tau = \frac{T}{m};$$

бу ерда- $n-[a,b]$ орали=ни былишлар сони;

$h-x$ нинг ызгариш =адами;

$T-$=аралаётган ва=т орали\и;

$m-$ва=т былаклари сони;

$\tau-$ва=т быйича ызгариш =адами.

Тыр сощасидаги щар бир $u(x_i,t_j)$ ну=та (1) тенгламани =аноатлантиргани учун уни =уйидаги кыринишда ёзиб оламиз.

$$\frac{\partial u(x_i,t_j)}{\partial t_j}=a^2\frac{\partial^2 u(x_i,t_j)}{\partial t_j}+f(x_i,t_j) \qquad (4)$$

(4) тенгламадаги $\frac{\partial u(x_i,t_j)}{\partial t_j}$ ва $\frac{\partial^2 u(x_i,t_j)}{\partial x_i^2}$ хусусий щосилалар ырнига (=улайлик учун $u(x_i,t_j)=u_i^j$, $f(x_i,t_j)=f_{ij}$ деб белгилаб оламиз) $\frac{\partial u_i^j}{\partial t_j}\approx\frac{u_i^{j+1}-u_i^j}{\tau}$; $\frac{\partial^2 u_i^j}{\partial x_i^2}\approx\frac{u_i^{j+1}-2u_i^j+u_{i-1}^j}{h^2}$ чекли айирмали формулаларни =ыйиб, =уйидаги интеграллаш сощасининг тугун ну=таларида ёзилган

$$\frac{u_i^{j+1}-u_i^j}{\tau}=a^2\frac{u_{i+1}^j-2u_i^j+u_{i-1}^j}{h^2}+f_{ij}$$

тенгламани щосил =иламиз. Уни u_i^{j+1}га нисбатан ечиб,

$$u_i^{j+1}=u_i^j+\frac{\tau\cdot a^2}{h^2}[u_{i+1}^j-u_i^j+u_{i-1}^j]+\tau\cdot f_{ij} \qquad (5)$$

ишчи формулани щосил =иламиз.

(5) формуладан кыриниб турибдики, щар бир $j+1$ =атламдаги ечимлар j =атламлар ор=али топилади ва демак, у ошкор схемали алмаштириш щисобланади. Маълумки, бундай схемали алмаштиришлар натижасида барча олдинги =атламларда йыл =ыйилган хатоликлар йи\индиси щосил былади. Бунинг натижасида, ва=т факторини ошиб бориши билан олинаётган та=рибий ечимларнинг ишончлилик даражаси кескин камайиб боради. Шунинг учун топиладиган ечимнинг ани=лилигини ошириш ма=садида ошкормас чекли айирмали схемаларни ишлатиш ма=садга мувофи=дир. Шунинг учун (4) формуладаги $\frac{\partial^2 u_i^j}{\partial x_i^2}$ хусусий щосила ырнига $\partial^2 u_i^j\approx\frac{u_{i-1}^{j+1}-2u_i^{j+1}+u_{i+1}^{j+1}}{h^2}$ чекли айирмали формулани =ыйиб, $\frac{u_i^{j+1}-u_i^j}{\tau}=a^2\cdot\frac{u_{i-1}^{j+1}-2u_i^{j+1}+u_{i-1}^{j+1}}{h^2}+f_{ij}$ тенгламани щосил =иламиз.

Керакли алмаштиришлар бажарсак, у =уйидаги кыринишга келади:

$$\frac{a^2\cdot\tau}{h^2}\cdot u_{i-1}^{j+1}-(2\frac{a^2\cdot\tau}{h^2}-1)\cdot u_i^{j+1}+\frac{a^2\cdot\tau}{h^2}\cdot u_{i+1}^{j+1}=-\tau\cdot f_{ij}-u_i^j \qquad (6)$$

(6) тенгламада

$$A_i=\frac{a^2\cdot\tau}{h^2};\quad B_i=\frac{2\cdot a^2\cdot\tau}{h^2}-1;\quad C_i=\frac{a^2\cdot\tau}{h^2};\quad F_i=-\tau\cdot f_{ij}-u_i^j;$$

белгилашлар киритиб,

$$A_i\cdot u_{i-1}^{j+1}-B_i\cdot u_i^{j+1}+C_i\cdot u_{i+1}^{j+1}=F_i \qquad (7)$$

тенгламалар системасини щосил =иламиз.

Щосил былган (7)-тенгламалар системаси j нинг щар бир =ийматида $n-1$ та тенглама ва $n+1$ та номаълумлардан иборат. Етишмаётган 2 та тенгламани чегаравий шартлардан оламиз. Натижада $n+1$ та номаълумли $n+1$ та тенгламадан иборат уч диогоналли тенгламалар системаси щосил былади. Бундай системани "щайдаш" усули билан ечиш ма=садга мувофи= былиб, бу жараён гиперболик тенгламалар учун тыла кырсатилди. Ю=оридаги (7) системани шу тарзда ечиб, барча =идирилаётган ечимлар ани=ланади.

мс *Математик моделлари параболик типдаги тенгламалар билан ифодаланувчи жараёнларни санаб беринг.*

Назорат саволлари

1. Параболик типдаги тенгламаларни умумий кырынишда =андай ифодаланади?
2. Параболик типдаги тенгламаларни ошкор схемали алмаштиришлар ёрдамида ечиш учун керак быладиган ишчи формулаларни щосил =илинг.
3. Параболик типдаги тенгламаларни ошкормас схемали алмаштиришлар ёрдамида ечиш учун керак быладиган ишчи формулаларни щосил =илинг.

17-маъруза: Эллиптик типдаги тенгламалар

Ы=ув модули бирликлари:

1. Эллиптик типдаги тенгламалар
2. Эллиптик типдаги тенгламаларни ечишнинг тыр усули

Ани=лаштирилган ы=ув ма=садлари.

Талабалар ушбу мавзуни тыла ызлаштирганларидан сынг:

1. Эллиптик типдаги тенгламалар билан ифодаланадиган амалий жараёнлар;
2. Эллиптик типдаги тенгламаларни ечишнинг тыр усули, усулнинг мощияти;
3. Зейдел усулининг мощияти

ща=ида маълумотга эга быладилар.

Маълумки, =аралаётган масалада ва=т фактори кучсиз роль ыйнаса, яъни жараённинг математик моделида ва=тни ифодаловчи параметрлар =атнашмаса, бундай жараёнларни стационар жараёнлар деб аталади. Стационар жараёнларга =урилиш механикасини зыри=иш ва эгилиш масалаларини киритиш мумкин. Стационар жараёнларнинг математик моделлари эллиптик типдаги =ыйидаги тенгламалар ор=али ифодаланиши мумкин(икки ылчовли фазода):

$$\frac{\partial^2 U(x,y)}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 U(x,y)}{\partial y^2} = f(x,y)$$

(1) тенгламани Пуассон тенгламаси щам аталади. Тенгламанинг чап томонида турган ми=дорни

$$\Delta = \frac{\partial^2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2}{\partial y^2}$$

Лаплас оператори ор=али ифодаланиб, ёзилган =уйидаги щоли

$\Delta u(x,y) = 0$ ёки $\Delta = \frac{\partial^2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2}{\partial y^2}$ (2)

Лаплас тенгламаси деб аталади.

Икки ылчамли (1) ва (2) тенгламаларни ечимини икки ылчамли G сощада ани=ланган деб фараз =иламиз. Соща чегараси Г ёпи= чизи= билан чегараланган деб щисоблаймиз.

Соддалик учун интеграллаш орали\ини ты\ри тыртбурчак деб оламиз.



Ю=орида таъкидлаганимиздек Пуассон тенгламаси учун Дирихле масаласи берилган тыртбурчак соща учун =уйидагича былади:

$u(x,y)_{x=a} = f_1(y)$ $\quad u(x,y)_{y=c} = f_3(x)$

$u(x,y)_{x=b} = f_2(y)$ $\quad u(x,y)_{y=d} = f_4(x)$ (3)

Бу ерда $f_1(y)$, $f_2(y)$, $f_3(x)$, $f_4(x)$ лар интеграллаш сощасининг чегаралардаги берилган функциялари, дастлаб =аралаётган x ва y ты\ри чизи=лар быйича $x_i = a+ih$, $y_i = c+j\tau$ тугун ну=талар ёрдамида тыр киритамиз. Чизмада чегаравий ну=талар «•» белгиси билан ички ну=талар эса «×» белгиси билан белгиланган. Ю=орида $h = (b-a)/n$, $\tau = (d-c)/m$ былиб n,m – мос равишда ox, oy ы=лар быйича тугун ну=талар учун =уйидаги тенгламалар ыринли былади:

(4) даги иккинчи тартибли щусусий щосилалар ырнига керакли чекли айирмали формулаларни =ыямиз ва =уйидаги :

$$\frac{u_{i+1}^j - 2u_i^j + u_{i-1}^j}{h^2} + \frac{u_i^{j+1} - 2u_i^j + u_i^{j-1}}{\tau^2} = f(x_i, y_j) \quad (4')$$

чекли айирмали тенгламаларни щосил =иламиз.

Соддалик учун (физик маъносига кыра мумкин) $h = \tau$

$$\frac{\partial^2 U(x_i, y_j)}{\partial x_i^2} + \frac{\partial^2 U(x_i, y_j)}{\partial y_j^2} = f(x_i, y_j) \quad (4)$$

деб олайлик.

У щолда (4') тенгламани ечиб,

$$u_i^j = \frac{1}{4}(u_{i+1}^i + u_{i-1}^j + u_i^{j+1} + u_i^{j-1} - h^2 f(x_i, y_j) \quad (5)$$

n-1 та тенгламадан n+1 номаълумдан иборат чизи=ли алгебраик тенгламалар системасини щосил =иламиз. Етишмаган тенгламалар ырнига (3) чегаравий шартлардан фойдаланамиз.

Тенгламаларнинг кыринишини тащлил =илиб, уни та=рибий-итерацион усуллар гурущига кирувчи Зейдель усули билан ечиш =улай эканлигини кырамиз.

Зейдель усули ща=ида =ис=ача назарий маълумотлар.

Зейдель усули 1874 йилда тани=ли немис математиги Ф. Зейдель томонидан ишлаб чи=илган былиб, уни итерация усулининг такомиллашган

кыриниши деб =абул =илиш мумкин. Шунинг учун бу усулни кыпинча итерация усули деб щам юритилади.

Усулнинг мощиятига кыра номаълум u_i^j ечимларни топиш учун

$$u_{i,j}^{(k+1)} = \frac{1}{4}\left[u_{i-1,j}^{(k+1)} + u_{i+1,j}^{(k)} + u_{i,j+1}^{(k)} + u_{i,j+1}^{(k+1)} - h^2 f_i^j\right] \quad (10)$$

итерацион формулалардан фойдаланилади. Бунда =авслар ичига ёзилган ю=ори индекс я=инлашиш номерини билдиради. Я=инлашишлар сони ортиб борганда, яъни k етарлича катта былганда, $u_{i,j}^{(k)}$ ечимлар $u_{i,j}$ ани= ечимларга интилади.

Итерацияларни max $\left|u_{i,j}^{(k)} - u_{i,j}^{(k+1)}\right| <$e, i=1..n-1, j=1..m-1,

шарти бажарилгунча давом эттириш мумкин. Бунда е ихтиёрий, олдиндан танлаб олинадиган кичик сон- ечим ани=лиги.

Ю=оридаги (10) формулани фойдаланишга =улай кыринишда ёзиб олайлик.

$$u_i^j = \frac{1}{4}\left[u_{i-1}^j + v_{i+1}^j + v_i^{j+1} + u_i^{j-1} - h^2 f_i^j\right]$$

Бу ерда v_i^j лар усулнинг мощиятига кыра аввалги я=инлашишдаги =ийматларни олади.

Дастлабки я=инлашиш сифатида ихтиёрий сонларни олишимиз мумкин. Масалан, тырнинг барча тугун ну=таларида $u_{i,j}=0$ дейишимиз мумкин. Шундан сынг барча я=инлашишлар топилади ва ечимнинг ани=лигини щар сафар текшириб турилади.

мт *Эллиптик типдаги тенгламаларни ечишда ишлатиладиган Зейдель усулининг мощиятини тушунтириб беринг.*

Назорат саволлари

1. +андай жараёнлар эллиптик типдаги тенгламалар ор=али ифодаланади?
2. Эллиптик типдаги тенгламалар умумий щолда =андай кыринишда былади?
3. Эллиптик типдаги тенгламалар учун =андай =ышимча шартлар берилади?

4. Эллиптик типдаги тенгламаларни тыр усулида ечишнинг мощиятини тушунтириб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рыйщати.

Асосий адабиётлар

1. Н. С. Бахвалов и др. «Численные методы». М.Наука 1987
2. В. П. Демидович и др. «Основы вычислительной математики» М.Наука 1987
3. Березин И. С. и др. «Методы вычислений» М.Наука 1996
4. Бойзо=ов А, +аюмов Ш, «Щисоблаш математикаси асослари», Ы=ув =ылланма. Тошкент 2000.
5. Исроилов М. «Щисоблаш усуллари» Тошкент. Ызбекистон. 2003.

+ышимча адабиётлар

6. Б.Х. Хыжаёров «+урилиш масалаларини сонли ечиш усуллари» Тошкент 1995.
7. Сидди=ов А. «Сонли усуллар ва программалаштириш» Ы=ув =ылланма. Тошкент 2001.

Интернет сащифалари

8. www.exponenta.ru
9. www.techno.edu.ru
10. www.toehelp.ru
11. www.math.msu.su
12. www.colibri.ru
13. www.books.atrunet.ru

Мундарижа

Сыз боши 3
1-маъруза: "Сонли усуллар ва алгоритмлар" фанига кириш 4
2-маъруза. Хатоликлар ва уларни бащолаш. 8
3-маъруза: Чизи=сиз тенгламаларни сонли-та=рибий ечиш усуллари. Орали=ни тенг иккига былиш усули. 14
4-маъруза: Уринмалар ва ватарлар усули 18
5-маъруза: Оддий кетма-кетлик (итерация) усули 22
6-маъруза: Чизи=ли алгебраик тенгламалар системасини ечишнинг Гаусс усули. 26
7-маъруза: Берилган матрицага тескари матрицани топиш ва чизи=ли былмаган тенгламалар системасини ечиш. 33
8-маъруза: Ани= интегралларни та=рибий щисоблашнинг ты\ри тыртбурчаклар усули 37
9-маъруза: Ани= интегралларни та=рибий щисоблашнинг трапеция ва Симпсон (параболалар) усули 40
10-маъруза: Энг кичик квадратлар усули. 43
11-маъруза: Оддий дифференциал тенгламаларни ечишнинг Эйлер ва Рунге-Кутта усуллари 46
12-маъруза: Чегаравий масалаларни ечишнинг чекли-айирмалар усули..... 51
13-маъруза: Чегаравий масалаларни ечишнинг Галёркин усули. 61
14-маъруза: Хусусий щосилали дифференциал тенгламалар ва уларнинг типлари. 68
15-маъруза: Гиперболик типдаги тенгламалар 71
16-маъруза: Параболик типдаги тенгламалар. 76
17-маъруза: Эллиптик типдаги тенгламалар 79
Фойдаланилган адабиётлар рыйщати. 83